

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

_____ - сонли ШАРТНОМА

202_ йил _____

_____ шаҳри

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) Устави Банк Бошқаруви томонидан 202_ йил _____ берилган _____-сонли ишончномага ҳамда филиал Низомига асосан фаолият юритувчи, банкнинг _____ филиали бошқарувчиси _____ бир тарафдан, _____ шаҳар _____ тумани _____ кўчаси _____-уйда яшовчи, _____ шаҳар _____ тумани ИИБ томонидан 202_ йил _____ да берилган _____ рақамли фуқаролик паспорти эгаси фуқаро _____ (кейинги ўринларда «Қарз олувчи» деб юритилади) иккинчи тарафдан (кейинги ўринларда биргаликда «Тарафлар», алоҳида «Тараф» деб юритилади) мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартнома мазмуни.

1.1. “Банк” “Туронбанк” АТБ Бошқарувининг 202_ йил _____ даги _____-сонли қарори билан тасдиқланган “Туронбанк” АТБ тизимида молиявий истеъмом кредитларини бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга ва банк кредитлаш тамойилларига асосан (ҳалоллик, шаффофлик, ишонччилик, шерикчилик муносабатлари ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда) “Қарз олувчи”га _____ мақсади учун молиявий истеъмом кредити маблағи ажратади, “Қарз олувчи” эса кредит беришнинг умумий қоидалари (қайтаришлик, мақсадчилик, тўловчилик (фоизчилик), муддатчилик, таъминланганлик)га риоя этган ҳолда истеъмом кредитидан фойдаланади.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. Банкнинг мажбуриятлари:

а) Мазкур шартнома тузилишидан аввал “Қарз олувчи”га кредит шартномаси билан боғлиқ банк хизматлари тўғрисида маълумотларни бепул тақдим этиши/таништириши;

б) Ажратилган кредит ҳисобини юритиш учун, кредит шартномаси имзоланган кундан бошлаб “Қарз олувчи”га алоҳида кредит ҳисобварағини очиш;

в) “Қарз олувчи”га кредитдан фойдаланганлик учун йиллик _____ (_____) фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаш шarti билан _____ (_____) ой муддатга (202_ йил _____ дан 202_ йил _____ га қадар) _____ (_____) сўм миқдорида истеъмом кредити маблағини ажратиш;

г) “Қарз олувчи”га ажратилган кредитни муддатидан олдин қайтариш ҳақида маълум қилиш (сабабини кўрсатган ҳолда);

д) Банкнинг кредит сиёсати ва бошқа норматив ҳужжатларга ушбу шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга олиб келадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида “Қарз олувчи”га маълум қилиш;

е) Ажратиладиган кредит маблағини _____ мақсади учун, маҳсулот сотувчи(хизмат кўрсатувчи)нинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб бериш;

ж) Шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, “Қарз олувчи” зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида “Қарз олувчи” ва/ёки “қўшимча қарздор” ва/ёки “Кафил”нинг банк пластик картаси(кейинги ўринларда БПК деб юритилади)дан (агар улар томонидан БПК маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни дастурий равишда ундириб олиш, акс ҳолда (БПК маълумотлари тақдим этилмаган ёки БПКда маблағ мавжуд бўлмаган) муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида “Қарз олувчи” билан ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмомчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар (хабарнома, талабнома, огоҳлантириш хати) бериш;

з) “Қарз олувчи”нинг ёзма ва/ёки оғзаки сўрови келгандан бир иш куни ичида унга кредит бўйича хизмат кўрсатиш даврида қуйидаги ахборотларни ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этиш:

- кредитлаш лимити;

- кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси;
- кредит асосий қарзи ва ҳисобланган фоизлар қолдиғи;
- навбатдаги тўловлар миқдори, таркиби ва муддатлари (тўлов жадвали);
- кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори;
- муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби;
- келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар;

й) “Қарз олувчи”га банкнинг расмий Веб-сайтидаги “Қарз олувчи”нинг шахсий кабинетидан кредит шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда мазкур шартноманинг **2.1 банди и) кичик бандида** кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериш;

к) “Қарз олувчи”ни мазкур истеъмол кредити шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлик ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиши, ундан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраши;

л) Электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши.

м) “Қарз олувчи” томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

- гаровда турган мулкни таъқиқдан чиқариш;
- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чоралари кўриш.

2.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

а) ажратилган кредитдан мазкур шартноманинг 1.1-бандида қайд этилган мақсадда фойдаланиш;

б) кредитдан фойдаланиш жараёнида куйидаги асосий талабларга амал қилиш: қайтаришлик, мақсадлилиқ, тўловлилиқ (фоизлилиқ), муддатлилиқ, таъминланганлик;

в) Банк томонидан талаб қилинган ва қонун ҳужжатларида қайд этилган ҳужжатларни тақдим этиш;

г) ажратилган кредит маблағини шартноманинг таркибий қисми сифатида илова қилинган кредитни қайтариш жадвалига ва муддатли мажбуриятномага асосан қайтариш;

д) кредит ва ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган устама ҳақини кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ ҳар ойнинг 1-санасига қадар Банкка тўлаш;

е) кредит маблағини кредитни қайтариш жадвалида белгиланган санада қайтармаган ҳолларда, кредитни қайтариш жадвалида белгиланган санадан кейинги кундан бошлаб, айнан тўлов кечиктирилган кунлар учун кредит маблағининг муддатида қайтарилмаган қисмига мазкур шартноманинг 2.1-банди «в» кичик бандида белгиланган фоиз ставкасига нисбатан йиллик 5 (беш) фоизга оширилган ставкада, лекин кредит қарзининг 50 фоизидан ошиб кетмаган миқдорда устама ҳақ тўлаш;

ж) кредит асосий қарзини шартномага мувофиқ ўз муддатида қайтармаганда, банк қарздорликни “суд жараёнидаги” (15703) ёки балансдан ташқари (95413) ҳисобварақларга ўтказса, 2.1-банднинг “в” кичик бандида белгиланган фоиз ставкасига нисбатан йиллик 5 (беш) фоиз оширилган ставкада, лекин кредит қарзининг 50 фоизидан ошиб кетмаган миқдорда устама ҳақ тўлаш;

з) қарз олувчининг ҳамда “қўшимча қарздор(лар)” ва “кафил(лар)”нинг БПКлари мавжуд бўлса, уларнинг маълумотлари (рақамлари ва амал қилиш муддати)ни, шуниндек, кредит сўндирилгунга қадар уларнинг БПКлари алмаштирилса, янги олинган БПК маълумотларини банкка тақдим этиш;

и) кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, ўзининг зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўзининг ва/ёки “қўшимча қарздор” ва/ёки “Кафил”нинг БПКсидан (агар улар томонидан пластик карта

маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни банк дастурий равишда ундириб олишига ҳеч бир қаршилик кўрсатмаслик;

й) Банк ходимлари томонидан мунтазам равишда ўтказиладиган мониторинг текширувларига қаршилик кўрсатмаслик ва мониторинг текширувига кўмаклашиш;

к) мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи барча ўзгаришлар тўғрисида, жумладан, молиявий ҳолати, исми, отасининг исми, фамилияси, доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтган жойи, яшаш манзили, иш жойи, реквизитлари ҳамда бошқа маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида Банкка зудлик билан ёзма маълумот тақдим этиш. Ўзига нисбатан мулкӣ моддий даъволар билдирилган тақдирда бу ҳақда Банкни зудлик билан хабардор этиш;

л) шартнома бекор қилинган тақдирда, кредитдан фойдаланган муддат учун ҳисобланган фоиз, устама ҳақ, неустойка, ушбу шартномада кўрсатилган бошқа тўловларни тўлаш ва кредит маблағининг қайтарилмаган қисмини тўлиқ қайтариш;

м) мазкур шартнома имзолангандан сўнг Банк талаб қилган ва қонун ҳужжатларида тақдим этилиши назарда тутилган ҳужжатлар, яъни кредитни таъминланиши (гаров ва суғурта шартномалари ва/ёки кафиллик) ва ажратилиши (олди-сотди, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к) билан боғлиқ ҳужжатларни 30 (ўттиз) кун ичида тақдим этиш;

н) муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги тўғрисида хабар (ёки хабарнома, талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати)ни олган вақтдан 7 (етти) календар куни давомида қарздорликни тўлаш ва/ёки огоҳлантириш ҳақидаги талабни бажариш;

о) банк сўровига кўра муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида ёзма равишда маълумот бериш;

п) амалдаги қонун ҳужжатларига мос келмайдиган тўлов ҳужжатларини тақдим қилмаслик;

р) Банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўзининг кредит олиш ҳуқуқини бериш(сотиш), ушбу шартномадаги мажбуриятларини ўзга шахсларга ўтказиш ёки ўзгартириш.

с) “Қарз олувчи” ушбу шартномани имзолаши билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

- шартнома тузиш ва унинг шартларини бажаришга лаёқатлилигини;
- ушбу шартномани тузиш билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилмаслигини;
- ўзига нисбатан ҳозирги кунда маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий иш ва судда даъво кўзғатилмаганлигини;
- Банкка тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва маълумотлар қонун нормалари бузилмаган ҳолда олинганлигини;
- Истеъмол кредитига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўйилган ҳуқуқлари ва қўйилган талаблар, ушбу шартноманинг иловаларидаги маълумотлар тўлиқ тушунтирилганлигини.

3. Тарафларларнинг ҳуқуқлари

3.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

а) кредитлаш жараёни давомида Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги, кредитнинг мақсадли ишлатилиши, таъминоти ва кредитни қайтариш бўйича бошқа масалалар юзасидан кредит бўйича текширув мониторингини амалга ошириш;

б) мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда кредит ажратишни рад этиш;

в) кредит маблағлари мақсадли ишлатилмаганлиги банкка маълум бўлган тақдирда, мақсадсиз ишлатилган маблағни “Қарз олувчи”нинг омонатдаги маблағи (агар мавжуд бўлса), БПК ҳисобидан ундириш, агар ундирув маблағи етарли даражада бўлмаса, банк зарарни гаровдаги мулк ва/ёки қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан қоплаш ёки кафил ва кафолат берувчидан ундириш;

г) кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, “Қарз олувчи” зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида “Қарз олувчи” ва/ёки “кўшимча қарздор” ва/ёки “Кафил”нинг банк пластик картасидан (агар улар томонидан пластик карта маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни дастурий равишда ундириб олиш;

д) кредит қарз олувчининг банк филиалидаги депозити (омонатида)ги маблағлар билан таъминланган ҳолатда “қарз олувчи” томонидан мазкур шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, кредит шартномасининг хоҳлаган вақтида депозит (омонат)нинг амал қилиш муддатидан қатъий назар қарз олувчининг депозит маблағларини мазкур кредит (қарз)ни қайтариш учун йўналтириш;

е) ажратилган кредит мақсадли ишлатилмаганда, кредит ва ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган устама ҳақи хабар (хабарнома, талабнома, огоҳлантириш хати) юборилгандан сўнг 10 кун ичида тўланмаса, шунингдек кредит тўлови муддати мунтазам равишда бузилса, яъни кредит тўлови бир йил давомида кетма-кет икки ёки ундан ортиқ маротаба кечиктирилганда ҳамда кредит шартномаси шартлари қўпол равишда бузилганда ва шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда кредитни муддатидан аввал қайтариш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш талаби билан судга мурожаат қилиш;

з) “қарз олувчи” вафот этган тақдирда, унинг кредит қарздорлиги бўйича мажбуриятлари меҳнатга лаёқатли оила аъзоларидан бирига (мустақил ва тўлов қобилиятига эга шахсга) қайта расмийлаштириш. Кредит мажбуриятларини қайта расмийлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда ва тўлов муддатининг келишидан қатъий назар Банк қарз олувчининг вафотидан сўнг олти ойлик муддат ичида унинг меросхўри ёки ворисларига суд орқали мулкий даъво кўзғатиш;

ж) қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредит (қарз)ни қайтариш жадвалида белгиланган суммадан ортиқча маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредит асосий қарзини сўндиришга йўналтириш.

г) Агар “Қарз олувчи” томонидан кредитнинг асосий қарзи тўлови кредит қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаган тақдирда, хабарнома юборилгандан сўнг ҳам тўлов 10 кун муддатга кечиктирилганда, қарздорнинг молиявий аҳволи оғирлашганда ва шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бузилганда Банк “Қарз олувчи” ва/ёки “қўшимча қарз олувчи” ва/ёки “Кафил”нинг;

- кредит (бошқа) тарихи ҳақида маълумот;
- тўлов қобилиятини баҳолаш тўғрисидаги маълумот;
- бошқа даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот;
- шахсий баланс ҳисобларининг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;
- депоизт ҳисобрақамлари мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;
- БПКлари тўғрисида маълумот;
- мол-мулклари тўғрисида маълумотларни олиш ва ундириш ҳуқуқига эга.

3.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

а) мазкур кредит шартномасини имзолашдан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетиши;

б) мазкур кредит тузилишидан аввал ушбу кредит шартномаси билан боғлиқ банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларни бепул олиш ва танишиб чиқиш;

в) пул маблағлари олингунга қадар бўлган даврда кредит олишдан бепул асосда воз кечиши;

г) Банкдан кредит қолдиғи юзасидан маълумотлар олиш;

д) Банкдан шартнома бўйича банк мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

е) банкка берган сўрови рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида кредит шартномалари бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни олиш;

ж) ушбу шартнома йўқолган тақдирда Банкдан унинг нусхасини олиш;

з) олинган кредит маблағини тўлиқ олдиндан қайтарган ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган устама ҳақини тўлаган ҳолда банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш;

и) кредит бўйича талабни учинчи шахсга ўтказиш, ҳуқуқини алоҳида битим билан расмийлаштириш ҳақида банкка мурожаат қилиш;

к) кредитни сўндириш учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш;

л) агар “кредит қарз” олувчининг банк филиалидаги депозити (омонатида)ги маблағлар билан таъминланган бўлса, кредит шартномасининг ҳоҳлаган вақтида депозит (омонат)нинг амал қилиш муддатидан қатъий назар “қарз олувчи” банкка кўрсатма берган ҳолда мазкур кредит (қарз)ни қайтариш учун йўналтириш.

Бунда, қарз олувчи кредит (қарз) бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозит (омонат)даги маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредит (қарз)ни қайтариш учун йўналтирмоқчи бўлса, “қарз олувчи” банкнинг депозит (омонат)ни қайтаришни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим;

и) Банкнинг айби билан қуйидаги ҳолатлар юз берганда қайд этилган миқдорда жарима ва пеня ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритиш:

- мазкур шартнома бўйича ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби бузилганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатлари бузулган тақдирда ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдорда жарима;

- электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоиз миқдорда, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня;

- электрон тўловлар нотўғри амалга оширилган тақдирда, маблағларни қайтаришни, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоиз миқдорда, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммаси 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда фоиз;

к) “қарз олувчи” кредит (қарз)ни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ тўлаган тақдирда, банкга ёзма ёки оғзаки кўрсатма берган ҳолда, ортиқча тўланган пул маблағларини кредитнинг асосий қарзини сўндириш учун йўналтириш.

м) Ушбу кредит шартномасига гаровга қўйиладиган таъминотига суғурта полиси (суғурта компаниясининг молиявий ҳолати барқарор ҳамда юқори рейтинг даражага эга бўлган) ёки мол-мулк тақдим қилинганда Қарз олувчи томонидан баҳоловчи ва суғурта компаниясини ўз ҳоҳшига кўра танлаш.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

а) Тарафлар ўзларининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардирлар.

б) Тарафлар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг мулклари билан жавобгардирлар.

5. Кредит таъминоти

5.1. Кредит маблағининг Банкка ўз вақтида қайтарилиши, кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган устама ҳақи ва ушбу шартномада кўрсатилган бошқа қарзларнинг муддатида тўланиши қуйидагилар билан таъминланади:

- 1) _____
- 2) _____

5.2. Қарз олувчи узининг шартномавий мажбуриятларининг бажарилишини ўзига тегишли бўлган мулклар билан таъминлайди.

5.3. Кредит маблағининг қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи ўз зиммасига олади.

5.4. Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

Мазкур шартнома шартлари юзасидан Тарафлар ўртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади. Тарафлар юзага келган низога ўзаро ҳал қила олмаган тақдирда, ушбу низо ҳал этилиши учун тегишли фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилади.

7. Форс – мажор ҳолатлари

Енгиб бўлмайдиган кучлар ва тарафларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, яъни табиий офатлар, сел, ёнғин, зилзила, портлаш, эпидемия, уруш ёки ҳарбий ва фавкулотда ҳолатлар шунингдек, банклараро электрон тўлов тизимида узилишлар рўй берганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ёки мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатилганлиги сабабли томонлар

мазкур шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажармасалар, жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур форс-мажор ҳолатлари шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга сабаб бўлади.

8. Қўшимча шартлар.

8.1. Ушбу шартнома Тарафлар уни имзолаган кундан бошлаб юридик кучга киради ва улар ўзларининг шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

8.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш, қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, Тарафлар уни имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартиришлар, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.3. Ушбу кредит шартномаси асосида ажратилган кредит маблағини муддатидан олдин ундириш ҳақида ва/ёки кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кредит маблағи тўлиқ ундирилган кунга қадар кредитдан фойдаланганлик учун устама ҳақи ушбу шартноманинг 2.2-банди “ж” кичик бандида кўрсатилган фоиз ставка бўйича ҳисобланади.

8.4. Тарафларнинг банк реквизитлари, манзиллари, турар жойлари, фуқаролик паспорти ва бошқа маълумотлари ўзгарган ҳолларда 10 (ўн) кунлик муддат ичида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

8.5. Қарздорликни ундириш юзасидан келиб чиққан низоларни судда ҳал этиш харажатлари (давлат божи, почта харажати ва бошқа харажатлар) ва қарздорликни ундириш бўйича қилинган бошқа харажатлар Қарз олувчидан ундирилади (Қарз олувчи томонидан қопланади).

8.6. Қарз олувчининг яшаш манзили ўзгариб, бу ўзгариш ҳақида Қарз олувчи Банкни ёзма равишда хабардор қилмаган бўлса, Банк томонидан ушбу шартнома асосида Қарз олувчининг яшаш манзилига хабарнома, огоҳлантириш хатлари (талабномалар) почта орқали юборилганида, огоҳлантириш хатлари (талабномалар) почта орқали Банкка қайтиб келса ёки Қарз олувчи почта орқали юборилган огоҳлантириш хатлари (талабномалар)ни олишдан бош тортса, ушбу огоҳлантириш хатлари (талабномалар) Қарз олувчига топширилган деб ҳисобланади.

8.7. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, бироқ у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8.8. Ушбу шартнома Тарафларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди. Бир нусхаси Банкда сақланади, иккинчи нусхаси Қарз олувчига берилади.

9. Томонларнинг реквизитлари ва имзолар.

БАНК:	ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки	Фуқаро
Манзили: _____ шаҳар _____ тумани _____ кўчаси ___-уй.	Манзили: _____ шаҳар _____ тумани _____ кўчаси, _____ -уй.
X\p: _____	Паспорт рақами: _____
МФО: _____	шаҳар _____ тумани ИИБ томонидан _____ 202_ йилда берилган.
СТИР: _____	СТИР: _____
Телефон: _____	БПК рақами _____
	БПКнинг амал қилиш муддати ___/___
	Телефон _____
Веб сайт: _____	Электрон почта манзили _____
Банкнинг _____ филиали бошқарувчиси	Фуқаро _____

Ушбу шартномани ўқидим, шартнома ҳамда унинг иловаларидаги бўлим ва бандлар ҳамда ундаги сўзларнинг мазмуни, моҳияти аниқ ва тушунарли бўлганлиги учун мазкур шартномани имзолайман ва уни сўзсиз бажараман.

(имзо)

Мижоз билан алоқа ўрнатиш ва хабар юбориш учун:

Тел: _____

Электрон почта: _____

Манзил: _____

Бошқа алоқа воситалари _____